

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МАСАЙИТОВ САИДЖАМОЛ ЮСИФОВИЧ**

**БОСИТХОН ШОШИЙНИНГ “МУҚАДДИМАТУ ИЛМИЛ-ФАРОИЗ”  
АСАРИДА МЕРОС МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

**24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт**

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Islamic  
Sciences**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по исламоведческим  
наукам**

**Масайитов Саиджамол Юсифович**

Боситхон Шошийнинг “Муқаддимату илмил-фароиз” асарида мерос  
масалаларининг ёритилиши .....

5

**Masayitov Saidjamol Yusifovich**

The coverage of issues of inheritanse in the work of Basitkhan Shashi  
“Muqaddimatu ilm al-faraiz” .....

21

**Масайитов Саиджамол Юсифович**

Освещение вопросов наследства в книге Баситхона Шоши  
“Муқаддимату илмил-фароиз” .....

41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ .....

46

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**МАСАЙИТОВ САИДЖАМОЛ ЮСИФОВИЧ**

**БОСИТҲОН ШОШИЙНИНГ “МУҚАДДИМАТУ ИЛМИЛ-ФАРОИЗ”**  
**АСАРИДА МЕРОС МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

**24.00.03 –Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт**

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Isl.12 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг [www.iiu.uz](http://www.iiu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бекмирзаев Илҳомжон Исроилжонович**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Бегматова Бузахро Маъруфжановна**  
юримдик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tag/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» декабрь соат \_\_ даги онлайн/оффлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [info@iiu.uz](mailto:info@iiu.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [info@iiu.uz](mailto:info@iiu.uz))

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» декабрда тарқатилди.  
(2022 йил 18 ноябрдаги 13 рақамли реестр баённомаси).

**Д.Р.Махсудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

**С.А.Рустамий**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**З.М.Исломов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тарихида ислом ҳуқуқининг муҳим мавзуларидан ҳисобланган “фароиз” (علم الفرائض – мерос илми) мусулмон мамлакатларида ҳозиргача ўзгармай келаётгани ҳамда замонавий мерос ҳуқуқига ҳам сингиб кетгани билан ажралиб туради. Бу соҳада Марказий Осиё, жумладан, Мовароуннаҳр олимларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлаш керак. Тарихан илм марказларидан ҳисобланган Шош (ҳозирги Тошкент)дан етишиб чиққан, XIX – XX асрларда диний ва дунёвий фанлар ривожига катта ҳисса қўшган Боситхон Шоший (1877–1956)нинг “Муқаддимату илмил-фароиз” (مقدمة علم الفرائض) асари мерос ҳуқуқи асослари, меросхўрларнинг улушларини аниқлаш ва тақсимлаш билан боғлиқ масалалар батафсил баён этилгани, манбаларда мавжуд маълумотларнинг тартиблангани ҳамда фойдаланишга қулай кўринишга келтирилгани билан юксак эътирофга сазовордир. Мерос асослари, фароиз меъёрларини тўғри тушуниш, меросни тақсимлаш жараёнида меросхўрларнинг манфаати ҳимоясини таъминлашда ислом динининг ўзига хос таълимотини англашда мазкур асар муҳим аҳамиятга эга.

Дунёдаги исломшунослик илмий-тадқиқот марказларида “фароиз” (علم الفرائض – мерос илми)ни атрофлича ўрганиш ва унинг асл мазмунини очишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Бундай изланишларда фароизнинг “фарз эгалари” (أصحاب الفروض) ва “асабалар” (عصابات) билан боғлиқ ўзига хос меъёрларини ўрганиш, бу борада ёзилган манбаларни аниқлаш ҳамда уларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш, ислом мерос ҳуқуқининг ҳозирги ҳолати, унинг дунёвий давлатлар қонунчилигига таъсирини баҳолашга эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, Шош воҳаси олимларининг илмий мерослари, уларнинг ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси тадқиқотлар марказида ҳисобланади. Боситхон Шошийнинг ҳанафий мазҳаби доирасида мерос мулкларини амалий тақсимлашда ёрдам берадиган “Муқаддимату илмил-фароиз” асарини тадқиқ этиш ва ундаги мерос илмига оид маълумотларни таҳлил қилиш билан ҳанафий мазҳаби доирасида мерос илми қоидаларини мукамал ўрганиш имконияти пайдо бўлади.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида алломаларнинг илмий-маънавий меросини аниқлаш, уларни замонавий талқинини амалга ошириш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиб беришда катта имкониятлар яратилмоқда. Натижада “фароиз”га доир “Ал-фароиз ал-Усмония” (الفرائض العثمانية) асари нашр ҳамда “ас-Сирожия” (السراجية) асари ўзбек тилига таржима қилинган бўлса, “Илоҳий тақсимот”, “Исломда мерос ва унинг тақсимоти” каби қўлланмалар тайёрланди. Шунингдек, Боситхон Шошийнинг “Қонуни Боситий”, “Фарҳанги мабсут”, “Фавоид ал-адвия”, “Амали ҳандаса” ва бошқа асарлари эски ўзбек ёзувидан табдил қилиниб, айрим изоҳлар билан нашр этилди. Булар бевосита олим ва унинг меросига бўлган эҳтиром натижасидир. Шошийнинг илмий меросида ислом ҳуқуқининг “фароиз” соҳасида аҳамиятли ҳисобланган “Муқаддимату илмил-фароиз” асари муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг қатор мамлакатларида ислом ҳуқуқининг мерос масалаларини ўрганишга оид кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар исломда мерос ҳуқуқининг шаклланиши, ривожланиш тенденциялари, мақсадлари ва ислом динини тўғри тушунишдаги аҳамияти каби масалалар доирасида амалга оширилмоқда.

Шарқда ислом ҳуқуқидаги фароиз масаласи ўрта асрлардан ўрганиб келинган. Бу борада дастлаб Абу Абдуллоҳ Суфён Саврий, кейинчалик Абу Жаъфар Таҳовий, Юсуф ал-Қуртубий, Абу Наср ал-Марвазий ва шу каби бир қатор олимлар ушбу мавзу юзасидан алоҳида китоблар таълиф этганлар. Машҳур фақиҳлардан Бурҳониддин ал-Марғиновий, Шамсул-аимма Сарахсий, Абу Бакр Косоний, Имом ал-Бухорий, Тумуртоший-Хоразмий, Абул Баракот Насафийлар билан бир қаторда, буюк математик ва қомусий олимлардан Муҳаммад ал-Хоразмий, диний ва дунёвий илмлар билимдони Саййид Шариф Журжоний ва Абдурашид Сажовандий<sup>1</sup> каби кўплаб олимлар бу мавзуга оид асарлар ёзган.

Ғарб исломшунос олимларидан Р.Шарль, Й.Шахт, В.Ҳаллак, А.Массе<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Абу Абдуллоҳ Суфён Саврий. Ал-Фароиз. – Риёз. Дор ал-осима, 2016; Абу Жаъфар Таҳовий. Ал-Фароиз. – Байрут: Дор ар-роид ал-арабий, 1970; Шамсул-аимма Сарахсий. Мабсут. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1978. Абу Бакр Косоний. Бадаиъ ас-саноеъ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Ж 1. – Тошкент, 1983; Саййид Шариф Журжоний. Аш-Шарифия. – Дехли: Мактаба ал-ашрафия, 2003; Абдурашид Сажовандий. Ас-Сироҷия. – Байрут: Дор ас-содин, 1972.

<sup>2</sup> Joseph Schacht. Das kitab al-hiyal fi'l-fiqh. Deutschland, Hannover: Lafaire, 1923. – 322 p.; ўша муаллиф. Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orientes). – Berlin: Walter de gruyter &co, 1933. –Band 21. – 286-291 p.; ўша муаллиф. The Origins of Muhammadan Jurisprudence. Oxford: Clarendon, 1950. – 412 p.; ўша муаллиф. Foreign Elements in Ancient Islamic Law // Journal of Comparative Legislation and International Law. – Leiden: BRILL, 1950. – Vol. 32. – 7-32 p.; ўша муаллиф. Sociological Aspects of Islamic Law. USA, California: Center for the Study of Law and Society, University of California, 1963. – 210 p.; ўша муаллиф. The Legacy of Islam. Oxford: Clarendon, 1972. –378 p.; ўша муаллиф. Die arabische hiyal – literatur. Ein Beitrag zur Erforschung

кабилар, ислом ҳуқуқи ва унинг институтларидан бири бўлган меросни ўрганишган бўлса, Туркияда Алпаслан Алқиш ва Язичи Абдурраҳмонлар мавзу борасида қатта тадқиқотлар олиб боришган<sup>3</sup>.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги исломшунослари академик В.Бартольд, Г.М.Керимов, М.И.Садагдар, Л.Р.Сюкияйнен, Р.Ю.Рахматуллин, Р.М.Нургалеев<sup>4</sup> каби мутахассислар томонидан мавзу ўрганилган.

Мавзу Ўзбекистонда Н.И.Абидова, У.М.Ахмеджанов, Т.Аюбов, И.Б.Зокиров каби ўзбек олимлари томонидан мустақилликдан олдин тадқиқ этилган бўлса, диний ва маданий меросимизни ўрганишга кенг йўл очилгандан кейинги истилқлол йилларида бир қатор ҳуқуқшунос олимлар бу борада илмий изланишлар олиб борди. Академик Ҳ.Раҳмонкулов, профессор А.Зокиров, А.Раҳманов, А.Жузжоний, А.Мўминов, И.Бекмирзаев ва Б.Бегматова<sup>5</sup>, уламолардан шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф<sup>6</sup> фаолиятини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Мазкур тадқиқот ишимизда исломдан олдинги ва исломдаги мерос тушунчасини ўрганиш, улар ҳақида умумий тушунча беришга ҳаракат қилинди. Санаб ўтилган тадқиқотларда ислом мерос ҳуқуқи тарихи, унинг асосий қоидалари ҳамда фароиз фани хусусида умумий масалалар ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган А-1-051 – “Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом

---

der islamischen Rechtspraxis // Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orientes). – Berlin: Walter de gruyter &co, 1926. –Band 15. – 211-223 p.; ўша муаллиф. Zur sociologischen Betrachtung des islamischen Rechts // Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orientes). – Berlin: Walter de gruyter & co, 1935. – Band 22. – 207-238 p.; Шарль Р. Мусульманское право. – М.: Иностранная литература, 1954. – С. 75-101; Wael Hallaq. The formation of Islamic law (Aldershot, UK; Burlington, VT: Ashgate/Variorum, 2004) – 464 p.

<sup>3</sup> Alpaslan Alkiş. İslam Miras Hukuku ile Türk Miras Hukukunun Varisler Yönüyle Karşılaştırılması. Çukurova Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. 2019; Yazıcı, Abdurrahman. “İslam Miras Hukuku İle Türk Medeni Kanunu Miras Sisteminin Mukayesesi”. Ekev Akademi Dergisi 17/55 (Bahar 2013): 167-180.; Yazıcı, Abdurrahman. “İslam Miras Hukukunda Dede Yetimliği Ve Benzeri Problemlere Çözüm Arayışına İlişkin Bir Değerlendirme”. İslam Hukuku Araştırmaları Dergisi 20 (2012): 107- 134.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сочинения. Т. 2, Ч. 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – 658 с.; Сюкияйнен Л.Р. Основы теории исламского права. – М.: Санкт-Петербургский государственный университет, 2015. – 170 с.; Нургалеев Р.М. Наследственное право в исламе. – Набережье Челны: Духовно-деловой центр Ислам Нуры, 2016. – 132 с.; Рахматуллин Р.Ю. Особенности исламского наследственного права. // Нучный вестник Омской академии МВД России. – Омск, 2019. - № 2. С. 73.; Керимов Г. М. Шариат. Закон жизни мусульман. Ответы Шариата на проблемы современности. – Санкт Петербург: Диля, 2006. – 512 с.; Садагдар М.И. Основы мусульманского права. - М., 1968.

<sup>5</sup>Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. – 255 б.; Муминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII в): Дис. ... докт. ист. наук. – Тошкент: ТИУ, 2003. – 304 с.; Бекмирзаев И.И. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорий ва Мовароуннахр қозилиги. Монография. – Тошкент: Таълим нашриёти, 2011. – 200 б.; ўша муаллиф. Мовароуннахрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 332 б.; Бегматова Б. Исломда мерос ҳуқуқлари. Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008. – 26 б.; Раҳманов А. Исламское право: – Т.: ТГЮИ, 2003. – 510 с.

<sup>6</sup>Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. – Тошкент: Nilol-nashr. 2015. – Ж. 12. - 208 б.; ўша муаллиф. Кифоя. 3-жуз. – Тошкент: Nilol-nashr, 2017. – 640 б.

этикодни шакллантириш” мавзуидаги илмий лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Боситхон Шошийнинг “Муқаддимату илмил-фароиз” асаридаги мерос масалалари ҳанафий мазҳаби асосида ёритилганини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

исломдаги мерос масалаларига доир тадқиқотларнинг назарий методологик асосларини аниқлаш;

фароиз илмининг ривожланиш босқичлари ва меросга оид ҳукмларнинг таҳлилини амалга ошириш;

Боситхон Шоший “Муқаддимату илмил-фароиз” асарининг Мовароуннаҳрда ёзилган манбавий асосларини кўрсатиш;

олимнинг мерос ҳуқуқлари борасидаги ўзига хос қарашларини илмий асослаш;

асарда фарз эгалари ва уларнинг улушларига доир ҳуқуқий масалаларнинг ёритиш усулларини аниқлаш;

асарда асаба ворисларга тақсимланадиган мерос масалаларини очиб бериш;

мерос ҳуқуқи меъёрларининг Ўзбекистон миллий қонунчилиги масалаларидаги кўринишларини қиёсий таҳлили асосида ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларни белгилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** исломда мерос ҳуқуқи ва у билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Боситхон Шошийнинг “Муқаддимату илмил-фароиз” асари белгилаб олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий объективлик, тарихийлик, хронологик кетма-кетликка риоя қилган ҳолда қиёсий ва муаммовий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Боситхон Шоший мерос тақсимоотида қисмати ризо (قسمة رضا) тушунчасини киритиш орқали барча меросхўрлар балоғатга етган ҳолатларда уларнинг меросдаги улушларини ўзаро розилик асосида белгилаш ва тақсимлаш шаклидаги маҳаллий урф-одатнинг шариатга мувофиқ эканини асослаб бергани далилланган;

Боситхон Шоший китоб ёзишда фароизга оид матн ва шарҳ услубларининг ўртасини танлаб, мерос тақсимоотининг амалий жиҳатларини ҳам киритгани, уларни математик амаллар воситасида тушунтириш орқали XIX аср охири – XX аср бошларида Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг الجبر والمقابلة (ал-Жабр ва-л-муқобала) асари услубини қайта тиклашга эришгани аниқланган;

“Муқаддимату илмил-фароиз” (مقدمة علم الفرائض – Фароиз илмининг муқаддимаси)даги أصحاب الفروض (фарз эгалари – маълум улушга эга бўлган меросхўрлар)га тегишли масалалар муаллиф томонидан “أحوال الأربعين” (аҳвалу-ларбаъин – қирқ ҳолат)га тақсимланиб, ҳар бир ҳолат батафсил ёритилиши

асарнинг мерос тақсимооти билан шуғулланувчи муфтийлар ҳамда ушбу илми ўрганаётган талабалар учун қўлланма вазифасини ўташига сабаб бўлгани далилланган;

Боситхон Шошийнинг бедарак йўқолган киши (مفقود)нинг қолдирган меросини тарқатиб юбориш масаласида ҳанафий мазҳабида фатво берилган 90 йил ҳукмини эмас, балки даврга мос равишда қозининг ҳукмига ҳавола қилиш (амалда тўрт йил) тўғрисидаги қараш мусулмонларга қулайлик яратиш билан боғлиқ экани очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда мерос илмининг мустақил фан сифатида ривожланиш тарихи баён қилиниб, исломнинг Макка даври ва Мадина босқичининг илк даврида мерос қонунчилигининг жоҳилия давридаги каби ҳолатда бўлгани ва секин-аста тадрижийлик асосида ислом мерос қонунлари мукамал шаклга келтирилгани далиллар билан очиқ берилган;

“Муқаддимату илмил-фароиз” (“Фароиз илмининг муқаддимаси”) асари “ас-Сирожи” ва унинг “Тайсиру фароиз ас-сирожи” деб номланган Бадахшоний томонидан қилинган шарҳи билан бир қаторда юртимиздаги диний ўқув юртларида фароиз илмидан қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин эканлиги илмий асосланган;

“Муқаддимату илмил-фароиз” асарини ўрганиш орқали муаллифнинг мерос масалаларини ечишдаги ёндашувлари ушбу фанни ўрганаётган талабаларга қулайроқ бўлгани учун асардан исломий таълим муассасалари талабалари учун фароиз фанидан дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

“Муқаддимату илмил-фароиз” асари Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида фаолият юритаётган уламолар жамоасига дунёвий давлатда яшаётган мусулмонларга мерос ва васият билан боғлиқ низоли масалаларни ҳал қилишларидаги аҳамияти исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фикҳшуносликнинг мерос боби ёки фароиз фанидаги мерос қоидалари, фикҳшуносликка оид даврий ва соҳавий нашрлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида 11258-рақам билан сақланаётган “Муқаддимату илмил-фароиз” асарининг қўлёзма нусхаси ҳамда асарнинг тарих фанлари доктори М.Ҳасаний билан ҳаммуаллифликда нашр қилинган нусхаларидан фойдаланилгани, диссертацияда қўйилган вазифаларнинг апробацияси, тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Бундан ташқари, диссертация натижаларининг ишонччилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган методлар ҳам тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Боситхон Шошийнинг мерос илми ривожига ўрни ҳамда “Муқаддимату илмил-фароиз” асарининг фикҳ ва фароиз илмлари ривожига муҳим манба экани борасидаги илмий-назарий

хулосалар соҳага оид келгусида амалга ошириладиган илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса олий ва ўрта махсус билим юртларида исломшунос, тарихчи, ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма вазифасини ўташи ҳамда “Исломшунослик”, “Ислом фикҳи”, “Ҳуқуқшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослиги” фанларини ўқитишда ва улар бўйича янги дарслик, қўлланма ва махсус курслар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Боситхон Шошийнинг “Муқаддимату илмил-фароиз” асарида мерос масалаларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Боситхон Шоший мерос тақсимоти масаласига “قسمة رضا” (қисмати ризо) тушунчасини киритиш орқали барча меросхўрлар балоғатга етган ҳолатларда уларнинг меросдаги улушларини ўзаро розилик асосида белгилаш ва тақсимлаш шаклидаги маҳаллий урф-одатнинг шариятга мувофиқ эканини асослаб бергани далилланганига оид илмий хулосалар буюртма асосида чоп этилган “Ислом ҳуқуқшунослиги” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 01.02.2021 йилдаги 02-03/654-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда урф-одатларнинг шарият манбаларидан эканлиги тўғрисидаги тушунчаларнинг шаклланишига хизмат қилган;

Боситхон Шоший китоб ёзишда фароизга оид матн ва шарҳ услубларининг ўртасини танлаб, мерос тақсимотининг амалий жиҳатларини ҳам киритгани, уларни математик амаллар воситасида тушунтириб бера олгани билан XIX аср охири – XX аср бошларида Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг “الجبر والمقابلّة” (“ал-Жабр ва-л-муқобала”) асари услубини қайта тиклашга эришгани аниқланганига оид илмий хулосалар буюртма асосида чоп этилган “Фароиз” номли китоб мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 28.05.2021 йилдаги 1778-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби каби олий ва ўрта махсус ислом билим юртлари талабаларининг фароиз илмини эгаллаш учун ҳисоб илмининг ҳам аҳамияти катталиги ҳақидаги тушунчаларининг кенгайишига хизмат қилган;

“Муқаддимату илмил-фароиз” (مقدمة علم الفرائض – фароиз илмининг муқаддимаси)даги أصحاب الفروض (фарз эгалари – маълум улушга эга бўлган меросхўрлар)га тегишли масалаларнинг муаллиф томонидан “أحوال الأربعين” (аҳвалу-л-арбаъин – қирқ ҳолат)га тақсимланиб, уларнинг батафсил ёритилиши асарнинг мерос тақсимоти билан шуғулланувчи муфтийлар ҳамда ушбу илми ўрганаётган талабалар учун қўлланма вазифасини ўташига сабаб бўлгани далиллангани билан боғлиқ хулосалар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази буюртмаси асосида нашр этилган “Исломда мерос тақсимоти” китоби мазмунига сингдирилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 08.06.2021 йилдаги 02/207-сон маълумотномаси).

Натижада аҳвалу-л-арбаъиннинг мазкур баёни фикҳ илми билан шуғулланувчи мутахассислар учун мерос тақсимоти билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қўлланма вазифасини ўташига эришилган;

Боситхон Шошийнинг бедарак йўқолган киши (مفقود)нинг мероси масаласида ҳанафий мазҳабида фатво берилган 90 йил ҳукмини эмас, балки қозининг ҳукмига ҳавола қилиш тўғрисидаги қарашини танлаши XIX аср охири – XX аср бошларида фуқароларнинг рўйхатга олина бошлаши натижасида йўқолган одамни қидириш хулосалари таҳлили нисбатан осонлашгани ҳамда мусулмонларга динни қулайлаштириш билан боғлиқ экани очиб берилганига оид хулосалар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Буюк юрт алломалари” туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 11.01.2021 йилдаги 02-40-95-сон маълумотномаси). Натижада ушбу фаолият телетомошабинларнинг “Муқадимату илмил-фароиз” асаридаги меросга оид фатволар ҳақида тасавурлари шаклланиши ва тарихий билимларининг ошишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 11 та конференцияларда, жумладан, 7 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, шундан 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг даврий чегараси, унинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ислолда фароиз илми ривожланишини ўрганишнинг назарий асослари”** номли биринчи бобнинг *“Ислолдаги мерос масалаларини ўрганишнинг методологик асослари”* деб номланган биринчи бандида ислом мерос ҳуқуқи мавзусининг аҳамияти, замонавий дунёвий давлатлар қонунчилигига ислом мерос ҳуқуқининг айрим жиҳатларини,

жумладан, унинг тузилиши, ундаги қариндошлар таснифи ва яна бошқа кўплаб масалаларга берилган амалий ечимлар каби имкониятлардан фойдаланиш мумкинлиги билан боғлиқ экани, бундай нормаларнинг дунёвий давлатнинг мерос ҳуқуқи тўғрисидаги проекцияси қонун ижодкорлигида янги имкониятлар ярата олиши масалалари ўрин олган.

Мерос илми соҳасидаги тадқиқотларнинг аҳамиятини, олинган натижалардан ислом мерос ҳуқуқи аҳкомларини кўпконфессияли давлатларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларига интеграциялашувининг оптимал ечимларини топиш имконияти билан боғланади. Бугунги кунда бунга уринишларни замонавий Миср тажрибасида ва Малайзия Васатия институти фаолиятида ислом радикаллашувининг олдини олиш мақсадида Ислом қонунларини қўллашнинг ёрқин намунаси сифатида кўриш мумкин<sup>7</sup>.

*“Фароиз илмининг ривожланиш босқичлари ва меросга оид ҳукмлар таҳлили”* деб номланган биринчи бобнинг иккинчи бандида исломда мерос илмининг босқичма-босқич шаклланганлиги, меросга тегишли айрим ихтилофли масалалар ҳамда фароиз фанининг вужудга келиши ҳам баён қилинган.

Қуръоннинг Нисо сурасида мерос ҳукмлари батафсил баён қилинган. Ушбу оятлар арабларда мавжуд бўлган мерос меъёрларига туб ўзгартиришларни киритди ва уларнинг энг аввалида аёл ўз қариндошлари мулкани мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга эмаслиги турар эди. Қуръон ушбу меъёрни бекор қилди. Умуман олганда, VII асрда пайдо бўлган исломий мерос ҳуқуқининг муҳим хусусиятларидан яна бири, унда васиятномада кўрсатилмаган қариндошлар ҳам меросхўр бўла олишининг мавжудлигидир. Шунинг учун ҳам ислом фикҳида васият бўйича мерос олиш бир қатор муҳим чекловларни ўз ичига олганига эътибор қаратиш керак бўлади<sup>8</sup>.

Исломда мерос ҳуқуқининг кейинги ривожланиши унинг иккинчи муҳим манбаи – суннатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Суннат маълум бир мавзу билан боғлиқ бўлган Муҳаммад (с.а.в.)нинг ишлари ва сўзларини тавсифловчи ҳадислар тўпламидир. Шунинг учун ҳам Абдурашид Сажовандий, Саййид Шариф Журжоний каби тадқиқотчилар кўплаб фикҳий, жумладан, мерос меъёрларини ҳадисларни тўғри талқин қилиш орқали ҳам келиб чиққанини таъкидлашган. Масалан, суннатда буюрилган бир қоида мавжуд бўлиб, унга кўра мусулмон ўз мол-мулкани мусулмон бўлмаган кишига ҳатто ака ёки укаси бўлса ҳам, мерос қилиб қолдира олмайди. Ушбу ҳукм учун қуйидаги ҳадис асос бўлган: “Мусулмон кофирдан ва кофир мусулмондан мерос олмайди”<sup>9</sup>.

Суннат ислом ҳуқуқшунослигининг асосий манбаи бўлиб, унда амалий вазиятларни ҳисобга олган ҳолда Қуръоннинг мерос бўйича кўрсатмаларини ишлаб чиқадиган кўплаб меъёрлар мавжуд. Фикҳий масалаларга оид меъёрларнинг жуда

<sup>7</sup> Рахматуллин Р. Ю. Генетические источники мусульманского права // Научный вестник Омской академии МВД России. – 2011. № 4 (43). – Омск, 2011. - №4. С. 44-45.

<sup>8</sup> Науменко О. В. Наследование в мусульманском праве // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Право. – 2010. № 18 (194).

<sup>9</sup> ابن كمال باشا. التوضيح في شرح التصحيح دارالنور المبين. أوردن. 2014. ص87. عبد العزيز البخاري. كشف الأسرار عن أصول فخر الإسلام البزدوي. دار الكتاب العربي. بيروت، 1991. ج 2، ص653.

кўплиги сабабли Қуръонда акс эттирилиши мумкин эмас эди. Масалан, Қуръонда мерос қолдирувчининг ҳуқуқий лаёқатини аниқлаш зарурлигини кўрсатувчи тўғридан-тўғри қоида йўқ. Бироқ бундай меъёр фиксга киритилган ва унда “Васият қилувчи ўз мулкни тасарруф эта олишга лаёқатли, яъни ақлли, баалоғатга етган, эркин ва танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак”, дейилган<sup>10</sup>.

Россия императори томонидан Туркистонга граф Пален бошчилигидаги юборилган комиссия томонидан ўлкадаги мусулмон аҳолининг шу вақтда амалда бўлган ҳуқуқий муносабатлари тўғрисидаги 1910 йили Тошкентда чоп этилган шариат моддалари тўплами ҳам мерос борасидаги ишлар сирасига киради. Бу тўпلام 294 моддадан иборат шариат қонунларини ўзида жамлаган бўлиб, ундан 121 модда никоҳ муносабатларига, 88 модда мерос ҳуқуқи масалаларига, 33 та модда васият ҳуқуқига, қолган моддалари ижтимоий, иқтисодий, савдо ва бошқа масалаларга бағишланган эди. Тўпلامнинг “Кириш” қисмида шариат қонунларининг мерос ҳуқуқига тегишли бўлган моддаларига катта эътибор қаратилган. Унда жумладан, бундай дейилади: “Исломдаги мерос ҳуқуқи кўринишидан жуда мураккаб, аммо ўта мохирлик билан ҳал қилинган ҳуқуқий масала”<sup>11</sup>. Шунингдек, яна бир рус олими Л.В.Антаки бу масалани ўрганиб, “Абу Ҳанифа таълимотига кўра, оила ва мерос ҳуқуқи тўғрисида шариат моддалари мажмуи” (“Сборник постановлений шариата – по семейному наследственному праву (по учению Абу Ханифы)”) номли тўпламни 1913 йил Санкт Петербург шаҳрида чоп эттирган.

Тадқиқот давомида олинган натижалар фароиз илми ва у билан боғлиқ масалалар нафақат мусулмон олимлари, шунингдек, ғарб тадқиқотчиларининг ҳам доим диққат-марказида бўлиб келганини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Фароиз илми ривожда Боситхон Шоший “Муқаддимату илмил-фароиз” асарининг ўрни”** номли иккинчи бобнинг *“Асарнинг Мовароуннаҳрда ёзилган манбавий асослари”* деб номланган биринчи бандида Мовароуннаҳрда етишиб чиққан муҳаддис, муфассир ва фақиҳларнинг фароиз илмига умумий ва хусусий маънода қўшган ҳиссалари ўрганилган. Имом Бухорий, Термизий, Марғиноний, Косоний, Тумуртоший каби уламолар билан бир қаторда ал-Хоразмий<sup>12</sup>, Журжоний каби диний ҳамда дунёвий илм соҳибларининг соҳага оид ишлари кўрсатиб берилган. Жумладан, Имом Замахшарий “Кашшоф” тафсирида Қуръонда очик келмаган иккита қизнинг меросдан насибаси 2/3 бўлишини бошқа уламолардан фарқли равишда Қуръонда мавжуд бўлган ишора орқали тушунтириб бера олган<sup>13</sup>.

Мерос илми ҳукмлари Қуръонга асосланган дейилишига

<sup>10</sup> علاء الدين الكاساني. بدائع الصنائع في ترتيب الشرائع. دار الحديث القاهرة، 2005. ج 10، ص 509.

<sup>11</sup> Полное собрание законов Российской Империи / Собрание второе. 1825-1827: в 55 т. – Т. 1. – СПб., 1830.  
<sup>12</sup> Арипов М.М. Ал-Хоразмийнинг меросни тақсимлаш ҳақидаги қарашлари ва унинг алгоритмик тилидаги дастури. / Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. – Наманган, 2020. - № 9. – Б. 36; Asst. Prof. Dr. Abdul Rahman Abdellah Al-Sarraf. Matters of Legacy and Wills According to the Scholar, Al-Kawarizmi. مجلة كلية التربية الساسية للعلوم التربوية والإنسانية / جامعة بابل نيسان/ 2018م عدد 38

<sup>13</sup> Нисо сураси, 11-оят // Қуръон оятлари маъноси А.Мансурнинг “Қуръони қарим: маъноларининг таржима ва тафсири” асарининг 2018 йил Тошкентда “Тошкент ислом университети” нашриётида чоп этилган нашри асосида берилди.

қарамасдан, бу борада Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларининг ўрни ҳам катта. Мовароуннаҳрлик муҳаддислар мерос илми ривожига салмоқли ҳисса қўшганлар. Имом Бухорий “Ал-Жомий ас-саҳих”нинг 85-бобини “Китаб ал-фароиз” деб номлаган. Ушбу китобда 43 та ҳадис келтирилган бўлиб, улардан биттаси муаллақ (санадсиз), қолгани мавсул (санадли) ривоятлар ҳамда 24 таси саҳобийлар асари ҳисобланади.

Бухорий фароизга оид бўлимидаги бобларнинг бирига “Бобо билан ака-укаларнинг мерос олишлари ҳақидаги боб” деб сарлавҳа қўяди ва у ерда Абу Бакр, Ибн Умар ва Ибн Зубайрлар: “Бобо отадир”, деганларини айтиб ўтади. Имом Бухорийнинг фикҳдаги қарашлари бобларнинг сарлавҳаларидан олинишига эътибор қаратилса, мазкур масалада Имом Бухорий жумхур уламоларга хилоф равишда Абу Ҳанифа мазҳабидаги каби фикрни танлаганини кўриш мумкин. Шунингдек, марҳума аёлга меросхўр бўлган икки амакининг ўғиллари масаласида ҳам ҳазрати Алидан келган ривоятга биноан марҳуманинг ҳам эри, ҳам амакисининг ўғли бўлган амакиваччасига молнинг ярми, ҳам она бир акаси бўлган иккинчи амакиваччасига  $\frac{1}{6}$  берилганидан сўнг қолган мол ўрталарида тенг бўлинишини айтадилар<sup>14</sup>. Олим фароиз китобларининг аксарида ёритилмаган насаб даъвоси қилганга мерос берилиши, *лақит* (топиб олинган инсон) мероси, *вало* (озод бўлган қулнинг қолдирган моли)га эга бўлмаслик шарт билан озод қилинган (саиба)нинг мероси, асирнинг мерос олиши, “фарзанд меники”, деб даъво қилган аёл масаласи каби ҳукмларни оят, ҳадис ва асарлар орқали очиқ беришга ҳаракат қилиб, фароиз уламоларига жуда катта енгилликлар бўлишига сабабчи бўлган.

Мерос илми ривожига катта ҳисса қўшган мовароуннаҳрлик олимлардан бири буюк математик, астроном, алгебра ва алгоритмлар асосчиси Абу Мусо Муҳаммад Хоразмий (780–850) ҳисобланади. Буюк олим Халифа Маъмун кўрсатмаси билан “ал-Жабр ва-л-муқобала” асарини ёзади ва ўзининг Фароиздан берадиган дарсларида ундан фойдаланади. Ал-Хоразмий ўзининг китоби ҳақида бундай дейди: “...Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи “ал-Жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”ни таълиф қилдим, чунки мерос тақсимлаш, васиятнома тузиш, мол тақсимлаш ва адлия ишлари, савдо ҳамда турли битимларда, шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказиш, (амалий) геометрия ва бошқа шунга ўхшаш ҳар хил ишларда кишилар учун бу зарурдир”<sup>15</sup>.

Фикҳнинг бошқа соҳалари қатори фароиз бўйича ҳам Мовароуннаҳр уламолари ўрта асрларда улкан ишларни бажаришган бўлишса-да, кейинги даврларда бу соҳада деярли китоб ёзилмади. XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган ва моҳир табиб сифатида ном қозонган Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший бу ишни қайта жонлантирди.

Боситхон Шоший Тошкентдаги Хожа Аҳрор Валий мадрасасида диний ва дунёвий илмларни ўрганади. Кейинчалик Бухорога бориб, мадрасага киради ва ўзининг диний илмларини кенгайтириб, тез фурсатда мадрасани

<sup>14</sup> ابن حجر العسقلاني. فتح الباري شرح صحيح البخاري. ج. 12, ص 28.

<sup>15</sup> Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. – Т., 1983 – Ж. 1. – Б. 17.

тугатади ва Тошкентга қайтади. Аниқ фанлар, адабиёт ва табиий фанлар бўйича чуқур илм эгаллаган Шоший диний илмлар борасида ўзига хос қарашларига эга етук олим бўлиб етишади.

“Олимнинг мерос борасидаги ўзига хос қарашлари” деб номланган иккинчи бобнинг иккинчи бандида Боситхон Шошийнинг фикр, айниқса, мерос тақсимооти борасидаги фикрлари атрофлича ўрганилиб, тадқиқ этилган. Ислом фикрида оилавий ва мулкӣ муносабатлар жамиятда одамлар орасидаги кўплаб низо ҳамда келишмовчиликларнинг асосий сабабчиси бўлгани боис, Қуръони каримда мазкур масалаларга бошқа муаммоларга қараганда кенгроқ ва батафсилроқ ўрин ажратилган. Бунинг асосий сабаби адолатни сақлаш ҳамда етимлар, бевалар каби жамиятнинг заиф қатламига зулм кўрсатилишининг олдини олишдан иборат. Бу бевосита ислом таълимоти талаб қилган асос ва тамойиллардан ҳисобланади. Айнан шу моҳиятдан келиб чиқиб, Шоший ўз асарида аёлларнинг мерос масаласига алоҳида тўхталиб ўтган ва унинг жамиятда эътиборсиз қолиб кетишидан огоҳлантирган.

Боситхон Шошийнинг мерос масалалари бўйича берган ечимлари ханафий мазҳабидаги бошқа фақиҳларнинг қарашларидан тубдан фарқ қилмайди. Лекин айрим ўринларда муаллифнинг ўзига хос қарашлари мавжуд. Жумладан, олимнинг яшаш давлатининг фарқчилиги мусулмонлар учун ҳам мерос олишга монелик қила олади, деган фикри. Мероснинг шартлари, мерос монеликлари, мафқуднинг мероси, бобонинг ака-укалар билан бирга мерос олиши, фароиз эгаларининг ҳолатларини ёритиш услублари каби бир қанча масалаларда ҳам ўзига хос қарашлари мавжуд бўлиб, улар ўз ўрнида кўрсатиб ўтилди.

Боситхон Шоший муайян масала бўйича бошқа уламоларнинг фикрларига танқидий қарашдан сўнг ўз шахсий фикрларини баён қилишда кўплаб ислом уламолари каби у ўзини “фақир”, “фақири ҳечмадон”, “бу ножоиз” каби сўзлар орқали атаб, “фикри қосиримча” каби камтарона жумлаларни ишлатади<sup>16</sup>.

““Муқаддимату илмил-фароиз”да мерос ҳукмларининг қўлланилиш хусусиятлари” деб номланган учинчи бобнинг “Асарда фарз эгалари улушлари масалаларининг ёритилиши” номли биринчи бандида китобнинг “Асҳобу фароиз” (“Муайян улуши бўлган ворислар”) деб номланган бобида келтирилган ҳар бир вориснинг ҳолатлари бирма-бир ўрганилиб, бошқа ханафий мазҳабидаги китоблар билан қиёсий ўрганиб чиқилган. Асҳоби фароизнинг барча ҳолатлари жамланган “аҳволул-арбаъин”нинг саккиз устундан иборат муфассал жадвали келтирилади. Бу жадвал орқали ҳар бир меросхўрнинг улушини эслаб қолишга қулайлик яратиш назарда тутилган<sup>17</sup>. Киритилган “Аҳволи арбаъийн” тушунчасининг тафсилоти қуйидагича: “Аб” (ота)да учта ҳол, жадди саҳиҳда тўртта ҳол ва ҳоказо жаддаи саҳиҳа (отасининг ёки онасининг онаси)да иккита ҳол бўлиб, жами қирқта ҳолдир.

Шоший ворисларга Қуръони каримда ажратилган ҳиссалар қуйидаги олтита сон эканини санаб ўтади. Улар: нисф (ярим 1/2), рубъ (тўртдан бир ҳисса 1/4),

<sup>16</sup> Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий. – Ж.1. / Эски ўзбек тилидан ўгирувчи М. Ҳасаний. – Т.: O‘zbekiston, 2018. – Б.14.

<sup>17</sup> Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Мисбоҳул анвор / Табдил ва изоҳлар муаллифи М. Ҳасаний. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 260.

сумун (саккиздан бир ҳисса 1/8) ҳамда судус (олтидан бир ҳисса 1/6), сулус (учдан бир ҳисса 1/3) ва сулусон (учдан икки ҳисса 2/3)лардан иборатдир. Дастлабки учта соннинг ҳар бири ўзидан кейинги сондан 2 барабар катта ва кейинги учта сонда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Шу ерда бир қатор масалаларга умумий махраж танлаш кўрсатиб ўтилган. Агар фароиз масаласида биринчи турдан ярим ҳиссани оладиган бир ворис бўлса, масаланинг махражи 2, ёлғиз рубъ (1/4) ҳиссалик ворис бўлса, масала махражи 4 ва ҳоказо судус (1/6) бўлса, махражи 6 бўлади. Агар масалада бирдан зиёда ҳисса бўлса, махражи энг кам ҳиссага тобе бўлади. Масалан, биринчи тур ҳиссадан нисф ва рубъ (1/2 ва 1/4) бўлса, махражи 4 ва ҳоказо биринчи турдан 1/8 билан иккинчи турдаги ҳиссалардан бири ёки ҳаммаси жамланса, махражи 24 бўлади<sup>18</sup>.

Боситхон Шоший асҳоби фароиз, асаба ёки завул арҳамдан иборат кўпгина қариндошларга мерос тақсимлаш вақтида керак бўладиган махсус белгилар киритган. Агар ворис фарз соҳиби бўлса, унинг устига белгиланган фарзини, масалан, 1/3 ёки 1/6 ва ҳоказо кўйилади. Агар ворис асаба бўлса, асаба меросхўр фарз соҳибидан қолган молга ҳақдор бўлгани учун арабча “باقى” (қолгани) маъносидаги “قى” (қий) белгисини ва агар меросхўр бошқа ворис сабабидан “ҳажб” (меросдан тушиб кетса) арабча “ساقط” (соқит бўлувчи) сўзининг “т” ҳарфини қўйган. Булардан Боситхон Шоший ҳисоб илмининг пухта билимдон олими эканлиги маълум бўлади. Ушбу фикрни олим томонидан ёзилган математикага оид мустақил асари “Амали хандаса” ҳам исботлайди.

“Асаба ворислари меросининг тақсимланиши” деб номланган учинчи бобнинг иккинчи бандида китобдаги асаба (Қуръон ва ҳадисда муайян улуш ажратилмаган ворислар) ҳақидаги боб тўлиқ ва муфассал ўрганилиб, ушбу масалаларнинг ёритилиши ҳам ҳанафий мазҳабида эътиборга эга бўлган ва Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфидаги диний таълим муассасаларида дарслик сифатида фойдаланиладиган “Тайсири фароиз ас-сирожи” китоби билан қиёсий ўрганилган.

“عصبة” (асаба) тушунчасига Боситхон Шоший қуйидагича таъриф берган: “асаба” луғатда ихота ҳамда ота тарафидан бўлган қариндошлар маъноларини билдиради. Аммо шариат истилоҳида асҳоби фароизнинг фарз бўлган ҳиссаларидан ортиб қолган тарика моли ва асҳоби фароизлар мавжуд бўлмаган тақдирда, барча тарика молини олишга ҳақли қариндошларга айтилади. “Асабот” сўзи эса асаба сўзининг кўплик шаклидир ва буларнинг ҳар бири асабадир<sup>19</sup>. Ушбу таъриф “ас-Сирожи” шарҳидан фарқ қилмайди. Лекин ушбу таъриф асаба бўлувчи сингилни ўз ичига олмаганлиги учун эътирозга учраган. “аш-Шарифия”даги қуйидаги хулоса мазкур танқидга жавоб бўлади. У ерда келтирилишича, ушбу таърифда фақат бевосита ўзи асаба бўлган меросхўрлар назарда тутилган бўлиб, сингилнинг асабалиги марҳумнинг қизи сабаблидир<sup>20</sup>. Асабаларнинг айримлари фарз эгалари билан

<sup>18</sup> Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Мисбоҳул анвор / Табдил ва изоҳлар муаллифи М. Ҳасаний. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 225.

<sup>19</sup> Ўша манба. – Б. 266.

<sup>20</sup> السيد شريف الجرجاني. الشريعة شرح السراجية. المكتبة الاشرافية، ديوبند، الهند، ص. 8.

бирга келганда ҳам мерос олаверади ва баъзан улардан кўпроқ ҳиссага эга бўлишлари ёки кўплаб фарз эгаларини меросдан тушириб ҳам юборишлари мумкин. Бунга ўғил сабабидан ўғилнинг кизи, сингил ва бошқаларнинг тушиб қолишини келтириш мумкин<sup>21</sup>. Бинобарин, энг аввал тарика молидан асҳоби фароизнинг фарз бўлган ҳиссалари ажратилади. Сўнг ортиб қолган барча мол асабага тақсим қилинади. Асаба "العصبة النسبية" асабаи насабийя (насаб орқали бўлган асаба) ва "العصبة السببية" асабаи сабабийя (қул озод қилиш сабабидан бўлган асаба) деб аталувчи икки қисмдан иборат бўлади.

Асабаи насабийя ҳам ўз навбатида учга бўлинади: "العصبة بنفسه" асаба би-нафсиҳи (бевосита асабалар), "العصبة بغيره" асаба би-ғайриҳи (бошқа воситасида асаба бўлганлар), "العصبة مع غيره" асаба маъа ғайриҳи (восита сабаб асаба)лар. Қариндошларни бундай таснифлаш уларнинг улушларини аниқлашда, шунингдек, бошқа меросхўрларга таъсирларини аниқлашда аҳамиятли эканлиги айтиб ўтилган.

“Исломдаги мерос ҳуқуқи меъёрларининг замонавий миллий қонунчилик масалаларидаги талқини” деб номланган учинчи бобнинг учинчи бандида ислом мерос ҳуқуқи масалаларини Ўзбекистонда мавжуд бўлган амалдаги мерос қонунчилигига талқини ўрганилган. Бунинг учун ушбу икки қонун ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар аниқланган. Бу борада кўплаб тадқиқотчилар иш олиб борганлар. Турк тадқиқотчиларидан Алпаслан Алқиш, Язичи Абдурахмон<sup>22</sup>, рус тадқиқотчиларидан Л.Р.Сюкияйнен, Р.Ю.Рахматуллин<sup>23</sup> ва бошқаларнинг изланишларида кўриш мумкин. Ўзбекистонда ҳам бу борада тадқиқотлар олиб борилган. Бунга Б.Бегматова<sup>24</sup> ва бошқаларнинг ишлари мисол бўла олади.

Умуман, фикҳнинг ислом мерос қонунчилигини бугунги кунда араб ва мусулмон мамлакатларида амалда бўлиб турган ягона бўлими дейиш мумкин. Қолган қисмлари ХХ асрнинг 50-йилларидан кейин кўплаб мамлакатларда амалдан қолган.

“Муқаддимату илмил-фароиз” асаридаги ислом мерос аҳкомларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (ФК) V бўлими “Ворислик ҳуқуқи” деб номланадиган банди билан ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, бир нечта натижалар қўлга киритилди. Кодексда ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Ислом ҳуқуқида ҳам шундай. Бироқ васият масаласида инсон барча молини васият қилиб юбора олмаслиги кўрсатилган. Аммо Боситхон Шоший ворислар рози бўлсалар, тўлиқ қилинган васият бажарилиши мумкин, дейди. Агар буни ҳисобга олинса, ислом мерос

<sup>21</sup> حسنين محمد مخلوف. المواريث في الشريعة الإسلامية. ص 70-53.

<sup>22</sup> Alpaslan Alkiş. İslam Miras Hukuku ile Türk Miras Hukukunun Varisler Yönüyle Karşılaştırılması. Çukurova Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. 2019; Yazıcı, Abdurrahman. “İslam Miras Hukuku İle Türk Medeni Kanunu Miras Sisteminin Mukayesesi”. Ekev Akademi Dergisi 17/55 (Bahar 2013): 167-180. Yazıcı, Abdurrahman. “İslam Miras Hukukunda Dede Yetimliği Ve Benzeri Problemlere Çözüm Arayışına İlişkin Bir Değerlendirme”. İslam Hukuku Araştırmaları Dergisi 20 (2012): 107-134.

<sup>23</sup> Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. – М.: Наука, 1986. – 49 с.; ўша муаллиф. Основы теории исламского права. – М., 2015. – С. 49.

<sup>24</sup> Бегматова Б. Исломда мерос ҳуқуқлари. Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008. – 50 б.

ҳуқуқида ҳам ҳолат дунёвий қонундан катта фарқ қилмаслиги маълум бўлади.

Қонун бўйича ворислар фақат фуқаролар (жисмоний шахслар) бўлиб, васият бўйича эса давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин<sup>25</sup>.

Мархумнинг қарзлари бўлса, қонунга кўра, кредиторлар васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқиб ўз талабини қўйиши мумкин<sup>26</sup>.

